



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

МУНОСАБАТ

Мустақил юрт одамлари

бугундан рози,
эртасидан кўнгли тўқ



Бугун ҳар бир юрт-дошимиз мамлакатимиз ҳаётида, ўз тақдирда юз бераётган ўзгаришлар, янгиланиш ва ривожланишнинг бош омили Истиқлол экани, Мустақиллик туфайлигина мана шундай ёруғ кунларга етганимизни яхши англайди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорини ўқиб, ўрганаётган ҳамюртларимизнинг суҳбатларида бу яна бир бор ўз ифодасини топмоқда. Партия-дошларимиз, депутатларимиз ҳам мустақиллик имкониятлари, эркинлик қадри ҳақида тўлиб-тошиб гапирмоқда, фикр-мулоҳаза юритмоқда, бу нурафшон кунлар ва тинчликнинг шукронасини айтишмоқда.

▶ Давоми 2-бетда.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Қарши шаҳрида тубдан қайта реконструкция қилинган Амир Темур кўприги ва унинг атрофида барпо этилган гўзал хиббон фойдаланишга топширилди. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган бу тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.



ТАРИХИЙ КЎПРИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

3

ЎЗХДП: ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Масаланинг катта- кичиги бўлмайди,

асосий гап унга ечим топилишида

Жойларда доимий равишда кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиб борилмоқда. Хусусан, май ойининг ўзидан 19 туман ва шаҳарда фуқаролар қабули йўлга қўйилди ва 91 мурожаат келиб тушди. Шу кунгача уларнинг 75 фоизи ижобий ҳал этилди. Бу жараёнда депутатлар, мутасадди ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқшунослар иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда.

БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

Бухоро вилоятининг Вобкент туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-хунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Аҳоли бандлиги доимий эътиборда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши, Вобкент тумани хотин-қизлар кўмитаси, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда партия аъзолари, тижорат банклари вакиллари, касб-хунар коллежлари битирувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Жорий йилда вилоятимизда ёшлар учун 32 минг 458 иш ўрни яратилди. Уларнинг 27 мингдан ортиғи ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига мўлжалланган, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Ш.Набиева. — Бандлик дастури ижроси доимий эътиборимизда. Бу борада хотин-қизлар кўмиталари, тижорат банклари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз қўл келмоқда. Партияимиздан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашиларига сайланган депутатлар ёшларнинг бандлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни Кенгашларнинг доимий комиссиялари йиғилишлари ва

сессияларида муҳокама қилишда яхши тажрибага эга. Айни пайтда депутатларимиз турли ташкилот ва корхоналарга бандлик дастури ижроси юзасидан депутатлик сўрови билан чиқиб орқали жамоатчилик назорати механизмидан ҳам фойдаланмоқда.

Янги иш ўринлари яратиш, битирувчиларни иш билан таъминлашда уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш муҳим аҳамиятга эга. Тижорат банклари томонидан вилоятда жорий йилда уларга 20 миллиард сўмликдан зиёд кредитлар ажратилиши кўзда тутилган.

Семинарда ёшларга тикувчилик, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва бошқа йўналишларда ўз лойиҳаларини амалга ошириши учун бизнес-режа тайёрлаш ва кредит олиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Тадбир доирасида туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан меҳнат ярмакиси ташкил этилди. Бу ёшларга ўз қизиқиши ва мутахассислиги бўйича иш топиш имконини берди.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎЗА мухбири.



Юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг

96 фоизи

мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
МАЖЛИСИ
КЕНГАШЛАРДАГИ
ЎЗХДП ГУРУҲЛАРИ
ФАОЛИЯТИДАН

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЧОРТОҚ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ «2014-2015 Ўқув йилида КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА»ГИ МАСАЛАНИ ЎРГАНДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АМУДАРЁ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ АҲОЛИНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР СОҒЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИ НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ТАРТИБИДА ЎРГАНИБ, МУҲОКАМА ЭТДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КОНИМЕХ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ ЙИГИЛИШИДА «ЧЕККА ХУДУДЛАРДА ЯНГИ СПОРТ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИ, УЛАРНИНГ МОДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Маҳалла сайлови: ҳеч ким бефарқ эмас

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар — 2016» мавзусида ижтимоий сўров ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оксоколлари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан шу кунларда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда.

Шу муносабат билан ўтказилган сўровда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қамраб олинди.

Сайлов билан боғлиқ кенг қўламли чоратadbirlar сўровда иштирок этган аксарият фуқаролар томонидан ижобий баҳоланди. Турли ижтимоий қатламга мансуб фуқароларнинг деярли барчаси мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нафақат маънавий, балки сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ўрни мустаҳкамланганини алоҳида қайд этди. Сўров иштирокчиларининг 96,8 фоизи маҳалланинг ўзи ҳамда оиласи ҳаётида муҳим ўрин тутишини, истикомат қилаётган ҳудудда осойишталик, барқарорлик, ободлик таъминланишида, демократик тамойиллар қарор топишида муҳим роль ўйнаётганини билдирган.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови мамлакатимизда шаклландан демократик сайлов тизимининг узвий қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади. Сўров иштирокчилари бу энг муҳим ҳуқуқлардан бири, деб ҳисоблайди.

Аҳолининг аксарияти (91,6 фоизи) айни пайтда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтаётганидан хабардор.

Маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, ҳудудни ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш каби ўттиздан зиёд вазифа ва вазоклатларни амалга ошираётди. Ҳар бир инсон ҳаётига бевосита дахлдор бу масалалар ечими маҳаллага тегишли экани, бу борада маҳалла фаоллари изчил ишлари амалга ошираётганини сўровда иштирок этганларнинг 80 фоизи қайд этган.

Аҳоли бўлиб ўтаётган сайловларга алоҳида эътибор билан қараб, фуқаролар йиғини раисига муносиб номзод сайланишидан манфаатдор эканини билдирган. Маҳалла раислигига кимларнинг номзоди кўрсатилгани, уларнинг дастурида нималар кўзда тутилганини билишга қизиқиш бу галги сайловда сезиларли даражада қучайган. Деярли 80 фоиз аҳоли сайлов кампаниясида иштирок этиш ниятида эканини билдиргани шундан далолат беради.

Ижтимоий сўров натижалари яна шунини кўрсатдики, бўлиб ўтаётган сайловларда аёллар фаол иштирок этиш билан бирга, улар фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиси лавозимига сайланмоқда. Бу мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамоатда тутган ўрни ва роли ортиб бораётганини кўрсатади.

Ижтимоий сўров қатнашчилари фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари маҳаллаларнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўлиши, аҳоли турмуш фаровонлиги янада ошиши учун жонбозлик кўрсатиши лозим, деб ҳисоблайди. Фуқароларимиз тинчлик, осойишталик, барқарорлик ҳар бир маҳалла, ҳар бир оилада қарор топиши Ватанимизнинг янада тараққий этишида мустаҳкам пойдевор эканини алоҳида таъкидлаган.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази маълумотлари асосида
ЎЗА мухбири Н.АБДУРАИМОВА тайёрлади.

МУНОСАБАТ

■ Одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгарди, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси ошди. Булар биз қўлга киритган энг катта ютуқлар, деб ўйлайман.

МУСТАҚИЛ ЮРТ ОДАМЛАРИ

бугунидан рози, эртасидан кўнгли тўқ



Турсунўлат НОРБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Мустақиллик ҳақида сўз кетганда, ҳаётимнинг энг мушкул давлари бўлган ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ёдимга тушади. Уша пайтлари талаба эдим. Бир йили қишнинг қоқ ўртасига, янги йилга икки кун қолганига қадар пахта йигим-теримида бўлдик. Совақ ва изғириндан кўпчилик курсдошларим қатори мен ҳам шамоллаб қолган эдим.

Икки-уч ой доволаниб, зўрга саломатлигимни тиклаб олганман. Ёшлик, йигитлик қуввати туфайлими, бу қийинчиликларни тез унутиб юбордим. Аммо жуда кўплаб аёллар, мактаб ўқувчилари ёмғир-қор остида пахта териб, касалликлар ортириб олишар эди.

Президентимизнинг «Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини ўқиб, ўша мудҳиш манзаралар яна бир бор кўз олдимдан ўтди. Ҳозир кишини бир савол қийнайди: нахотки, ёш болаларга, аёлларга шафқат қилишмаган, нахотки уларга ҳеч кимнинг раҳми келмаган бўлса?..

Қарорда биз қайта-қайта ўқиб, ўрганишимиз, фикрлаб, хулосалар чиқариб олишимиз керак бўлган кўпдан-кўп масалалар қайд этилган. Мисол учун,

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,
ЎзХДП Сирдарё
вилоят кенгаши
раиси ўринбосари,
«Эл-юрт ҳурмати»
ордени соҳиби:

— Бугунги дунё манзарасига эътибор қаратадиган бўлсак, тинчлик учун, бутун минтақада, жаҳонда осойишталик ўрнатиш учун курашаётган давлатлар у қадар кўп эмас. Президентимизнинг қарориди ҳам бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчликни кўз қорачигидек асраш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани таъкидланган.

Истиқлол йилларида босиб ўтилган йўлга назар ташлайдиган бўлсак, халқимиз тинчлиги ва тараққиётини кўролмайдиган, осойишталигимизга таҳдид солмоқчи бўлган кучларнинг турли ўйинларига гувоҳ бўламиз. Аммо узоқни кўзлаб, оқилона олиб борилган сиёсат туфайли тинчлик, барқарорлик сақлаб қолинди, ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашиб борди.

Ўқинишда бошимиздан ўтган воқеаларни билган билади, билмаган билмайди. Шу боис, маърифий, маънавий тадбирларимизда, сиёсий ўқув жараёнларида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Кеча ким эдигу, бугун ким бўлганимизни, бу ютуқларга нисбатан ҳисобидан эришганимизни, «айниқас» ёшларга кўпроқ тушунтиришимиз керак бўлади. Нафақат кечаги оғир кунларни кўрганлар, балки бугунги ёшларимиз ҳам тинч ҳаётимиз, тараққиётимиз, фаровонлигимиз асоси бўлган мустақиллигимиз қаҳри нақадар улуғ эканини чуқур ҳис этсин.



Собитхон ТУРФУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Бугун мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлоднинг тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишлар ўз самарасини бермоқда. Бунинг Истиқлолнинг 25 йиллик тўйи арафасида янада яққолроқ ҳис этиб турибмиз.

Президентимиз қароридида жамият ҳаётини бутунлай ўзгартирган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш ва бошқа умумий миллий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, икки босқичли олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилгани Ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонида рақобатдошлигини таъминлашнинг ишончли замини бўлиб хизмат қиляётгани алоҳида қайд этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги университет ва институтларда 230 минг нафардан ортиқ талаба таҳсил олмақда. Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12

фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқ бўлаётгани ҳам мазкур соҳага кўрсатилаётган юксак эътибор натижасидир.

Узоқни кўзлаб, оқилона олиб борилган сиёсат туфайли тинчлик, барқарорлик сақлаб қолинди, ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашиб борди.

Таълим соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил этадиган бўлсак, барча йўналишларда пухта тизим, ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилганини кўрамиз. Шунингдек, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий

малакасини ошириш, ўқув жараёнларида замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аммо яқин ўтмишда таълим соҳасининг аҳоли қандай эди? Биргина мактабларимизни оладиган бўлсак, уларнинг ярмидан кўпи номуносиб биноларга жойлаштирилган эди. Бугун эса мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борсанг, энг мухташам бинолар мактаб, лицей, коллеж бинолари эканини кўрасиз. Бу ўзгариш ва янгиланишларнинг барчаси замирида мустақиллик турганини чуқур ҳис қилишимиз, бунинг одамларга таъсирчанроқ усулда етказишимиз керак.

Умуман олганда, мустақиллик халқимизнинг тарихий ютуғи, бугунги кунларимиз асоси, келажақ авлод таянчидир. Уни мустаҳкамлаш, ютуқларимизни

нафақат эътироф этиш, балки, ҳар биримиз ўз фаолиятимизни танқидий таҳлил қилишимиз, янада юксак марралар сари дадил одимлашимиз талаб этилади.

◀ Ўзбекистон овози» мухбири
Нурали ОРПОВ
ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН ХАБАРЛАР

ЎзХДП Учтепа туман кенгашида бошланғич партия ташкилотларида иш юритишни яхшилаш мавзусига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Асосий таянч мустаҳкам бўлиши керак

Унда туман партия кенгаши фаоллари, депутатлар ва бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этди. Тадбирда қуйи бўғин фаолиятини кучайтириш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳининг бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Одатда, партиямиз электоратини ўйлантираётган масалалар, катта-кичик муаммолар асосан қуйида яққолроқ кўринади. Бу эса партиянинг бошланғич ташкилотлари, халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги депутатларимиздан ҳар қачонгидан кўра фаолроқ, ташаббускорроқ бўлиши тақозо этади. Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган мурожаатларни олиб кўрайлик. Уларни таҳлил этиш, ҳал қилиш жараёнида турли даражадаги депутатларимиз ҳамкорлиги қўл келади, дейишди сўзга чиққанлар.

Тадбир якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

«Тарғиботчи — маҳаллада»

Урганч шаҳар партия кенгаши томонидан «Тарғиботчи — маҳаллада» лойиҳаси доирасида «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғинида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда депутатлар, партия фаоллари, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, маҳалла аҳли иштирок этди.

Ҳозирги мураккаб замонда миллий қадриятларимизга ёт ғоялар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар, турли экстремистик оқимлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда. Ёш авлоднинг зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишдан сақлаш, уларни билимли, ватанпарвар ва ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш ишларини кучайтириш асосий вазифамиз, дейишди сўзга чиққанлар.

Тадбирда мутахассислар томонидан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш юзасидан маълумот ва тавсиялар берилди.

Одам савдоси — давр муаммоси

Қарши шаҳрида одам савдосига қарши курашиш ишлари самардорлигини ошириш бўйича семинар бўлиб ўтди.

Унда Қашқадарё вилоят партия кенгаши масъуллари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ИИБ одам савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши кураш тезкор бўлими вакиллари, Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали мутахассислари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Семинарда одам савдоси жиноятини содир этганлик учун жавобгарлик, бундай турдаги жиноятларга имконият яратувчи шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ишларини такомиллаштириш масалалари ҳуқуқсиз сўз юритилди.

Аҳоли ўртасида ушбу соҳага оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш бўйича ҳам фикр алмашилди.

Худудий партия кенгашлари ахборотлари асосида Аброр ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ЎзХДП: ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

МАСАЛАНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ, асосий гап унга ечим топилишида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида сайловчилар мурожаатларини қабул қилиш, электорат вакиллариини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича, айтиш мумкинки, катта тажриба тўпланган. Партия маҳаллий кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналари аҳоли, хусусан, электорат манфатларини ҳимоя қилишда қўл келмоқда. Энг муҳими, шу асосда ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қиладиган ташаббуслар тобора кўпайиб бормоқда.

Ҳар бир мурожаат партия фаоллари ва депутатлар томонидан пухта ўрганилиб, уларнинг аксарияти тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ҳал этилмоқда, қолганларига юридик маслаҳатлар берилмоқда.

Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларнинг асосий қисми коммунал, соғлиқни сақлаш, халқ таълими соҳаси, шунингдек, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам каби масалалар билан боғлиқ. Жумладан, шу вақт мобайнида 4195 нафар аҳоли мурожаат қилди. Мурожаатларнинг 812 таси коммунал соҳа юзасидан, 233 таси иш ҳақи, нафақа ва пенсиялар ўз вақтида берилмаётганидан шикоят мазмунда бўлган, 907 нафар фуқаро эса ишга жойлаштишда ёрдам сўраган.

Партия фаолларининг қайд этишича, аҳоли томонидан қабулхонага бўлаётган муро-

жаатчилик ва депутатлик назорати кучаяди.

Хўш, шу кунларда Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан самарали фойдаланиш мақсадида қандай янги ташаббуслар илгари сурилмоқда? Улар фаолиятини янада кучайтириш учун нималарга аҳамият бериш зарур?

Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларнинг асосий қисми коммунал, соғлиқни сақлаш, халқ таълими соҳаси, шунингдек, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам каби масалалар билан боғлиқ.

Дурбек ХУДОЙКУЛОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:

— Ҳақиқатан ҳам, мурожаатлар асосида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларини ўрганиб, бартараф этиш бўйича ўзига хос тажриба тўпладик. Эндиликда бунинг илгари давом эттириш, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Бунинг учун биринчи галда бошланғич партия ташкилотла-

рида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил қилиш масаласига янгича ёндашиш зарур бўлади.

Ҳозир партия фаоллари маҳаллаларда, турли корхона ва ташкилотларда давра суҳбат-

лари ташкил этиб, фуқаролар мурожаатларини қабул қилмоқда. Одамлар билан очик мулоқотлар ташкил этиляпти. Электорат вакилларининг масалалари умумлаштирилиб, партия гуруҳларимиз ташаббуси билан доимий комиссия, сессияларда муҳокама этиляпти. Мисол учун, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича доимий комиссия ва сессияларга киритиладиган аксарият масалалар Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатлар асосида тайёрланмоқда.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



«АЛИШЕР НАВОЙИ: КОМУСИЙ ЛУГАТ»

китобининг тақдироти
бўлиб ўтди

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан 2016 йилда нашр қилинган «Алишер Навоий: комусий лугат» китобининг тақдироти бўлиб ўтди. Тақдиротда навоий-шунос олимлар, адабиётшунослар, тилшунослар, тарихчилар, турли нашриётлар вакиллари ва олий ўқув юртлири талабалари иштирок этди. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси матбуот хизмати хабар бермоқда.

— Китобхонлар эътиборига ҳавола этилган «Алишер Навоий: комусий лугат» китоби буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олима Сўйима Ганиева. — Унда шоирнинг ҳаёт йўли, асарлари, поэтикаси, образлар олами, устозлари, замондошлари, шогирдлари ҳақида навоийшуносликнинг илмий натижалари асосида мухтасар маълумот берилган.

ЖАРОҲАТНИ ТУЗАТУВЧИ

ЯНГИ ВОСИТА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академик Обид Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти олимлари яраларни битказувчи янги дори воситасини иختиро қилди.

Интеллектуал мулк агентлиги матбуот хизмати берган хабарга кўра, мазкур восита фармацевтика саноати, чунончи этиологияси ва тўқима патологияси турлича бўлган яраларни даволаш учун мўлжалланган. Уни яра битказувчи малҳам ва инъексия учун эритма (микроимплантат) сифатида қўллаш мумкин. Тикловчи ва кенг даволовчи (микробларга қарши, яра битказувчи, огриксизлантирувчи) хусусиятларга эга.

Муаллифлар жамоасига ушбу иختиро учун № ИАП 05207 рақамли патент берилди.

ЙЎЛЛАР ТАЪМИРЛАНМОҚДА

Бухоро шаҳрида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шарқ мавзеси, «Чевар» маиший хизмат уйидан бошлаб Иброҳим Мўминов кўчасининг «Фатҳобод» боғи ва «Дилқушо» деҳқон бозори бўйлаб ўтган 2 километрдан ошқ қисмида 30 дан зиёд йўлсоз мутахассислар, 10 га яқин махсус техника воситалари ишлапти, дея хабар беради «Вихоргополта» сайти.

Умумий қиймати 3 миллиард 100 миллион сўмга лойиҳалаштирилган мазкур объектда ҳозирга қадар қарийб 300 миллион сўмлик иш бажарилди.

Шунингдек, ҳудуддаги автобекатлар тартибга келтирилади, йўлларнинг қатнов қисмини иккига ажратувчи бетон тўсиқлар, йўл белгилари ва хошиялари ўрнатилади.

■ Дарё қирғоғи бўйлаб 14 коттеж, 4 кафе-бар, болалар майдончалари, 4 сунъий қопламали спорт майдончаси барпо этилди.

Тарихий кўприкнинг замонавий қиёфаси

Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодий-ижтимоий инфратузилма ривожланиб, шаҳар ва қишлоқларимиз замонавий қиёфа касб этмоқда. Қарши шаҳри ҳам ҳар томонлама кўркамлашиб, аҳоли учун барча зарур шароит яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 июлдаги «Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Буюк Амир Темури томонидан барпо этилган мазкур кўприкнинг Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида тубдан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилганида ҳам чуқур рамзий маъно мужассам.

Бу тарихий кўприк қадимда Қашқадарё дарёсининг икки қирғоғини ўзаро боғлаб, халқаро ижтимоий-иқтисодий алоқаларга восита бўлган. Ўрта асрларда Насаф орқали Эрон ва Хиндистонни Европа билан боғлаган муҳим қаровон йўллари ўтган. Шу боис бу воҳа асрлар давомида гуллаб-яшнаган. Олим ва сайёҳ Герман Вамберининг ёзишича, 1860-йилларда Қарши шаҳрида 10 қаровонсарой, катта бозор, шаҳар аҳолиси дам оладиган боғ бўлган. У шундай боғни бошқа юртларда учратмаганини, алоҳида қайд этган. Бугун уша тарихий боғ ҳам қайта тикланди.

Амир Темури кўприги қайта тиклангани ва унинг атрофида гузал хибон барпо этилгани Қашқадарё аҳолиси учун қувончли воқеа, катта байрам тўғриси бўлди. 700 йиллик тарихга, пухта ва мустаҳкам муҳандислик ечимлигига эга

▲ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ушбу иншоот қайтадан гузал қиёфага эга бўлиши Президентимиз раҳнамолигида тарихимизни ўрганиш, тиклаш ва асраб-авайлашга қаратилган алоҳида эътибор самарасидир.

— Мустақиллигимизнинг ҳар бир кунда бир мўъжиза яратилмоқда, десак хато бўлмайди, — дейди миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Жалолиддин Шерназаров. — Амир Темури бобомиз қурдирган ушбу кўприкнинг бутунлай янги қиёфа касб этishi мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйига ажойиб тўхфа бўлди. Бугун юртимизнинг қай бир чеккасида борманг, улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Бунёдкорлик халқимизга хос юксак фазилат. Биз, ёшлар қайси соҳада фаолият юритмайлик, ана шундай жасур, мард ва фидойи аждодларимизга муносиб бўлиш. Президентимиз раҳнамолигида яратилаётган шароит ва имконияتلардан самарали фойдаланишимиз лозим.

Президентимиз Ислам Каримов 2015 йил 30 июнь кунини вилоятта ташрифи чоғида мазкур масканни халқимиз дам оладиган гузал ва замонавий хибонга айлантириш бўйича зарур тавсиялар



берган. Ўтган қисқа вақт ичида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик, обodonлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Амир Темури кўприги замонавий талаблар асосида қайта барпо этилди. Қашқадарё дарёсида учта тўғон қурилди. Қирғоқ бўйидаги эски бинолар ўрнида гузал хибон бунёд этилди. Дарё соҳили бўйлаб кемалар тўхтайдиган тўртта жой қурилиб, ёритиш устунлари ўрнатилди. 51 қатамаран, 2 туристик катер ва 4 аттракцион келтирилди. Дарё қирғоғи бўйлаб 14 коттеж, 4 кафе-бар, болалар майдончалари, 4 сунъий қопламали спорт майдончаси барпо этилди.

4 километр ичимлик суви, 4,2 километр каналлаш, 29,3 километр электр тармоғи тортилди. 144,8 минг квадрат метр майдонни сугоришга мўлжалланган ускуналар ўрнатилиб, хибон тўлиқ кўкаламзорлаштирилди. 4 мингдан ортиқ манзарали дарак ва буталар экилиб, қарийб 68 минг квадрат метр майдонга брусчатка ётқизилди. Кўприк ва унинг атрофида

барпо этилган кўркам сайёҳ нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки чет эллик сайёҳларнинг ҳам сеvimли масканига айланди.

— Қадимий Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари менда катта таассурот қолдирди, — дейди хитойлик сайёҳ Лин Хай. — Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман, лекин Ўзбекистондек гузал юртни кўрганим йўқ, десам ишонаверинг. Табиати бетакрор, одамлари уршумомала, меҳмондўст, турли миллатлар бир оиладек аҳил-инок яшаётган Ўзбекистоннинг келажакда буюк давлат бўлишига барча асослар бор. Хитой оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ҳақида, узонки кўра оладиган донишманд Президент Ислам Каримов ҳақида кўп ўқиганман, эшитганман. Бугун Ўзбекистонга келиб, бу ерда амалга оширилаётган ишларни кўриб, бунга ўзим бевосита гувоҳ бўлиб турибман. Қалби гузал ва нияти улуг' инсонларгина бундай эзгу ишларга қодир бўлади.

— Ўзбекистон қадимий ва буюк тарихга эга кам сонли давлатлардан бири. Бу диёр

мени тарихий обидалари, миллий қадриятлари, гузал табиати ва бағрикенг халқи билан мафтун этди, — дейди суданлик сайёҳ Исмаелдин Аҳмад Абдулрахмон. — Тарихий обидаларнинг мукамал, ўзига хос меъморчилигига тан бермасдан илож йўқ. Неча минг йиллик миллионлар хамон янгидай қад ростилаб турибди, оҳори тўқилмаган. Халқ бу тарихий меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келмоқда. Ўзбекистон ўз келажagini ўз қўли билан қурмоқда. Мана бу тарихий кўприк, унинг атрофида барпо этилган гузал хибон шу даражада уйғунки, гўё ўтмиши буюк халқ ўзининг бугуни ва келажagini ҳам шундай улғайтаётгандек туюлди менга.

Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ШИША КЎПРИК

қурилиши яқунланди

Хитойда дунёдаги энг узун шиша кўприк қурилиши тугалланди. Бу ҳақда «South China Morning Post» хабар берди.



Пиёдаларга мўлжалланган ва узунлиги 393 метрни ташкил этадиган кўприк ердан 300 метр баландликда жойлашган. Кенглиги олти метр бўлиб, бир вақтинчи ўзида 800 киши ўтиши мумкин.

Шиша қатлами хавфсизлик синовларидан ўтган ва огирликка ўта чидамли ҳисобланади. Бундан ташқари, кўприк атроф-муҳит ҳарорати ўзгаришлари ва шомол таъсиридаги тебранишларга чидамлили тестларидан ҳам муваффақиятли ўтган.

ПАРИЖДАГИ СУВ ТОШҚИНИ

рекорд даражага
кўтарилди

Парижнинг Сена дарёси сув сатҳи оdatдагига нисбатан 6 метр баландликка кўтарилди ва сўнгги 34 йил ичида рекорд даражасига етди, дея РИА новости хабар берди.

Сув тошқини хавфи туфайли Париж метроси, сайёҳлик масканлари, шунингдек, кўплаб истроҳат боғлари ёпиб қўйилди.

Синоптиклар Сенадаги сув даражаси 6,5 метрга ортишини баъорат қилишган эди. Бирок, яқинда кўни сув сатҳи пасая бошлади.



Маълумотларга қараганда, сув тошқини оқибатида тўрт киши ҳалок бўлган ва 42 киши жароҳат олган. Париждаги 17 мингга яқин турар-жой электр қувватисиз қолган.

ФЕРМЕР УЙИДАН

мумиёланган ўрта
қадимий жасад топилиди

Чилилик фермер ховлисида қазил ишларини олиб бораётган вақтида 3 та қадимий мумиёланган жасадга, қулолчилик буюмлари ва болалар уйинчоқларига дуч келди, деб хабар беради ТАСС ахборот агентлиги.

Экспертларнинг фикрича, ушбу топилмалар 1000-1400 йилларда яшаб ўтган халқларга, ҳусусан, Копьяно маданиятига тааллуқлидир.

Археологлар мумиёланган аёл ва киши боланинг танаси лама мўйнаси ва ўсимлик тоалари билан ўраб ташлангани учун ҳам яхши сақланганлигини айтишмоқда. Аёлнинг ёши тахминан 50-60 ларда, боланинг ёши 4-7 атрофида бўлган.

Ўзбекистон ХДП Тошкент

вилоят кенгаши партия фаоли,

меҳнат фахрийси

Баҳодир ВАХОБОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ихор этади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент

вилоят кенгаши Ўзбекистон ХДП

Пискент туман кенгаши раиси

Дилбар Қомилжонова падари бузруқвери

ХОЛМАТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

■ БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Аълочилар мактаби



Санжаар ШОТЛУГАНОВ олган сурат.

Шу кунларда мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида 9-синф битирувчиларининг якуний аттестация имтиҳонлари нихосига етмоқда. Улар ҳадемай жонажон мактаб билан хайрлашиб, лицей ва коллежларда ўқишни давом эттиришади.

Юнусобод туманидаги 97-умумтаълим мактаби пойтахтимиздаги намуналий ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Яқинда бу ерда «Аълочилар байрами» катта тантана билан ўтказилди. Бугун эса битирувчилар яхши билимга эга эканликларини намоян этишмоқда. Улар орасида

уч нафари фан олимпиадаси шаҳар босқичи, 11 нафари олимпиаданинг туман босқичи совриндори борлиги ҳам бунни тасдиқлайди. Барча кўрсаткичлар бўйича пешқадам бўлган мазкур мактаб ўқувчилари туман миқёсида ўтказилган фан олимпиадаси ва билимлар беллашувлари, ҳуқуқ билимдонлари танловларида биринчи ўринни эгаллашди.

Яқинда мактабда яна бир қувончли воқеа нишонланди. 7-синф ўқувчиси Нажириддин Жабборов, 6-синф ўқувчиси Дияра Шамсиева «Инглиз тили билимдонлари» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби бўлишди.

— Бу ютуқлар, аввало, мактабимизда ўқувчилар чуқур билим олиши учун барча зарур шароитлар яратилганидан. Қолаверса, Мухайё Мақсудхонова, Камола Одилова, Феруза Қўшимова, Мадиана Маҳмадова, Нодира Раззокова, Дилбар Еримбетова, Роҳила Нарзиева каби фидойи ўқитувчиларимиз меҳнат самарасидир, — дейди мактаб директори Мукаррам Салимова.

Суратларда: мактаб ҳайтидан лавҳалар.



«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
ГАЗЕТАСИ ФОТО
КЎРГАЗМАСИ:Ўзбекистон мустабидлик
ва мустақиллик йилларида

Ҳаёт тажрибасидан маълумки, яхшилик билан ёмонлик, оқ билан қора, бахт ва фожиа... яқин ўтмиш билан бугунги ҳаёт бир-бирига таққосланганда улар ўртасидаги фарқ кенгроқ, аниқроқ ва равшанроқ кўринади. Бугунги ёруғ кунларнинг, мустақилликнинг қадр-қиммати, имкониятлари ва неъматлари моҳиятини янада теранроқ, чуқурроқ англаймиз. Айниқса, кечаги кунларни кўрмаган, билмаган ёшлар учун бу қиёслар ўзига хос сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги

қарориди ҳам истиқлол йилларида, тарихан қисқа даврда амалга оширилган кенг кўламли ислохотларимизни аниқ мисоллар асосида кўрсатиб бериш таъкидланган.

Барча соҳаларда бекиёс ютуқларга эришилди, бунёдкорлик бобида амалга оширилган буюк ишлар иқтисодий салоҳиятимиз, куч-қудратимиз, юксак маданиятимизни дунёга намойиш этиб турибди. Кеча қаровсиз ётган ҳудудда, кўримсиз, ночор бинолар ўрнида бугун қад ростлаган мухташам уйлар, спорт ва санъат саройлари, ўқув юртларининг замонавий бинолари кишига гурур бағишлайди.

Халқимизда минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, деган ҳикмат бор. Суратлар алдамайди, ёлгон гапирмайди, яхшими, ёмонми,

гўзалми, хунукми, ободми, вайронми, бор нарсани борица акс эттиради.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан газетамизда бугундан бошлаб, юртимиздаги шаҳар ва қишлоқларнинг мустақиллик давридаги аҳоли ва мустақиллик йилларидаги кўрми ҳақида хикоя қилувчи суратларни қиёсан ёритиб боришни режалаштирдик.


Бугунги суратлар мавзуси «Тошкент шаҳри мустақиллик ва мустақиллик йилларида» деб аталади. Бу суратларни кўринг, фикрланг ва ҳулоса чиқаринг.

ТАҲРИРИЯТ


Тошкент: кеча ва бугун



Тошкентнинг собиқ Марказий майдони «Мустақиллик майдони» деб аталди ва тубдан қайта қурилди.



Бу бинолар ўрнида «Ўзбекистон» халқро анжуманлар саройи.



Навобий кўчаси яқин ўтмишда ва бугун.



Собиқ МХСНинг кўримсиз стадиони ўрнида барпо этилган маҳабатли ва гўзал «Бунёдкор» стадиони.



Чўпқари ва гуваладан иборат уйлар... Энг замонавий қошоналардан бири Интерконтиненталь Тошкент меҳмонхонаси.



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ҳамда Кинофотофоно ҳужжатлари Марказий давлат архиви суратларидан фойдаланди.

СПОРТ

Пойтахтимизда эркалар ва аёллар ўртасида шохмат бўйича ўтказилган XV Осиё чемпионати натоҳасига етди.

Швейцарча тизимда уюштирилган эркалар ўртасидаги баҳсларда голиб номи тўққизинчи турда маълум бўлди. Сўнгги партиялар мухлис мутахассисларга бир қатор қутилмаган натижаларни тақдим этди.

Голиблар Жаҳон кубогига
йўлланма олди

Жумладан, бунгача 6,5 очко билан пешқадам бўлиб турган вьетнамлик Ле Куанг Лиём оқ донларда ўйнаб, қутилмаганда Гангули Шехар (Ҳиндистон)га имкониятни бой бериб қўйди. Бундан эса ҳиндистонлик халқаро гроссмейстер Сеттураман унумли фойдаланди. У охириги партияда хитойлик Ю Вейни енгиб, ўз ҳисобидаги очколар сонини 7 тага етказиб олди ва Осиё чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди.

Энди у келаси йили Грузиянинг Ботуми шаҳрида ўтказиладиган Жаҳон кубогига баҳсларида қўшамиз шарафини ҳимоя қилади.

Олти яримтадан очко тўплаган Ле Куанг Лиём кумуш, хитойлик Ю Вей бронза медали билан тақдирланди.

Афсуски, 17-жаҳон чемпиони, 1998 йилги Осиё чемпиони Рустам Қосимжонов (2703) эса мусобақада муваффақиятсиз қатнашди. Ҳамюртимиз мусобақада иккинчи рақам остида таснифланган бўлишига қарамай,

яқунда қўшимча коэффициентларга кўра, 23-ўрин билан қифояланди. У 9 имкониятдан 5,5 очко тўплади.

Шохматчиларимиз орасида энг яхши натижага ёш гроссмейстеримиз Жаҳонгир Воҳидов эришди. У 9 имкониятдан 6 очко тўплаб, кучли ўнликдан жой олди.

Аёллар ўртасида ўтган баҳсларда ҳиндистонлик Бхакти Кулкарни бош совринга сазовор бўлди. У 9 имкониятдан 7 очко жамғариб, Осиё чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди.

Қозғонилар Динара Саидваққосова кумуш, Соумия Сваминатан (Ҳиндистон) қўшимча кўрсаткичларга кўра, бронза медали билан тақдирланди.

Мусобақада ҳамюртларимиздан энг яхши натижани Гулрухбегим Тоҳиржонова қайд этди. Йигирма ёшча бўлган шохматчилар ўртасида Осиё чемпиони унвони соҳибаси Гулрухбегим 5,5 очко билан қўшимча

коэффициентларга кўра, тўққизинчи поғонадан жой олди. Беш очко тўплаган Баҳора Абдусатторова ўн биринчи ўринни эгаллади.

— Юртингизда бу каби йирик мусобақаларни ўтказиш борасида катта тажриба тўплаганлиги эътиборлидир, — дейди Осиё шохмат федерацияси бош қотиби Ҳишам ал-Тоҳир. — Унда қўшамизнинг энг кучли гроссмейстерлари билан бир қаторда ўзбекистонлик жуда кўплаб умидли ва ёш шохматчилар ҳам голиблик учун донга сурди. Жуда юқори савияда ташкил этилган ушбу мусобақа ҳар бир иштирокчи учун катта тажриба мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз.

Шунингдек, Осиё чемпионати доирасида блиц-шохмат бўйича ҳам голиблар номи аниқланди. Унда эркалар ўртасида хитойлик Лу Шанглей 9 имкониятдан 7,5 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Вьетнамлик Ле Куанг Лиём ҳамда ҳиндистонлик Лалит Бабу бир хил — 7 тадан очко жамғарди ва қўшимча кўрсаткичларга кўра, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланди.

Аёллар ўртасида блиц-шохмат бўйича ўтган баҳсларда вьетнамлик Нгуэн Зи Майга тенг келадигани топилмади. У 9 имкониятдан 7,5 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Мусобақада бир хил — 6,5 тадан очко тўплаган ҳиндистонлик Вайшали ҳамда эронлик Атоус Пурқашийён эса кейинги ўринларни банд этди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ёш полвонларимизнинг
Маниладаги ғалабалари

Филиппин пойтахти Манилада ёшлар ўртасида спорт курашлари бўйича Осиё чемпионати якунланди. Бу нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли қатнашди.

Нанкинда ўтган II Ўсмирлар ёзги Олимпия уйинлари чемпиони Илхом Баҳромов (50 кг) барча рақибларини енгиб, олтин

медал билан тақдирланди.

Осиё чемпионати иккинчи кунги баҳсларида 2015 йили ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон

чемпионати совриндори Жаҳонгир Мирзахмедов (55 кг) тенгсиз, деб топилди ва шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Умидли полвонларимиз Мирзабек Раҳматов (66 кг) ва Жалғасбой Бердимуродов (84 кг)лар эса бронза медаллари билан тақдирланди.

Аёллар кураши бўйича майдонга тушган ҳамюрт-

ларимиз Нодира Собирова (51 кг), Набира Есенбаева (59 кг) ва Бахтигул Болтаниёзова (67 кг)лар беллашуварни кўтаринки руҳда ўтказиб, бронза медалларини қўлга киритишди.

Эркин кураш бўйича эса иктидорли полвонларимиз Фуломжон Абдуллаев (55 кг) ва Темуржон Усмон-оҳунов (60 кг) Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Шунингдек, Мажид Муродов (84 кг) ҳамда Ҳасанбой Раҳимов (120 кг) кумуш, Шохруҳ Сафоев (66 кг) бронза медали билан тақдирланди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

РЕКЛАМА

SOG'LOM ONA
VA BOLA YILI

2016

ГОД ЗДОРОВОЙ
МАТЕРИ И РЕБЕНКА

«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида аёлларимизга оила эътиёжлари учун пул маблағларини жамғаришга қўмаклашувчи турли муддатли ва жамғарма омонатларини тақлиф этади. Масалан, «Баркамол авлод» муддатли омонатининг қўлайлиги шундаки, 5 ойлик муддатга омонат очиб, омонат фоизлари тўлиқ муддати учун олдиндан олиниши, болалар соғломлаштириш, мактабгача таълим, профилактика-даволаш муассасаларига, ўқув курслари ва спорт муассасаларига йўналтирилиши мумкин. «Бахтли авлод» 3 ойлик муддатли омонатини расмийлаштирганда олдиндан ҳисобланган омонат фоизларини ҳам ана шу мақсадларга йўналтириш ёки фарзандларни мактабга тайёрлаш

учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни сотиб олиш мумкин. Бундан ташқари, «ASIA ALLIANCE BANK» ёш авлодга ғамхўрлик қилиш мақсадида болалар вояга етгунга қадар пул маблағларини жамғариш имконини берадиган миллий валютадаги «Альянс Ёшлик» ва хорижий валютадаги «Болажон» жамғарма омонатларини тақлиф этади. Бу омонат турларининг қўлайлиги — омонат муддати давомида қўшимча маблағлар омонатга киритилиши мумкинлиги. Олинган маблағларни сиз фарзандларингизнинг олий ўқув муассасаларида таълим олиши учун тўловларга йўналтиришингиз мумкин. «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки миллий валютадаги қўйидаги омонат турларини ҳам тақлиф этади.

Омонат номи	Омонат тури	Омонат муддати	Изоҳ
«Альянс Таътил»	Муддатли	90 кун	Фоизлар ҳар ойда ва омонат муддати тугагандан сўнг тўланади (капитализациясиз). Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
«Весенний»	Муддатли	6 ой	Фоизлар ҳар ойда ва омонат муддати тугагандан сўнг тўланади (капитализациясиз). Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
«Ипотечный»	Жамғарма	3 йил	Омонат миқдори чегараланмаган. Қўшимча бадаллар қабул қилинади.
«Ойла фаровонлиги»	Муддатли	1 йил	Фоизлар ҳар чоракда ва омонат муддати тугагандан сўнг тўланади (капитализациясиз). Қўшимча бадал қабул қилинади.
«Qilay omonat»	Муддатли	1 йил	Фоизлар ҳар ойда ҳисобланади ва коммунал тўловларга йўналтирилади. Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
«Комфорт»	Муддатли	6 ой	Омонат нақдсиз пул кўринишида қабул қилинади. Омонат бўйича фоизлар ҳар ойда омонатчининг аризасига кўра коммунал тўловларига йўналтирилади. Омонат муддати давомида қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
«Фаровон турмуш»	Муддатли	3 ой	Фоизлар ҳар ойда ва омонат муддати тугагандан сўнг тўланади. Қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.

«ASIA ALLIANCE BANK» аҳолига янада қўлай омонат турларини доимий равишда кенгайтириб бормоқда. Омонатларни банкнинг барча филиалларида очиб мумкин. Улар мижозлар учун махсус ахборот бурчаклари билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда омонатлар шартлари билан танишиш ва жозибдор омонат турини танлаш мумкин. Айтиш лозимки, «ASIA ALLIANCE BANK» «Фуқароларнинг банкларидаги омонатларини кафолатлаш фонди»нинг аъзоси ҳисобланади. Банкдаги сақланаётган аҳоли омонатлари ушбу фонд томонидан кафолатланган.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihiiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
14219
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:45
Toshirilgan vaqti — 01:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 5 6